

**М.М.Ибрагимов и.ф.н., доцент СамИСИ**

**Инновацион иқтисодиёт шароитида узумзорлар барпо**

**этиш харажатлари ҳисоби**

***Аннотация:** Ушбу мақолада фермер хўжаликларида тоқзорлар барпо этиш харажатлари ҳисобини юритиш тартиби ўрганилган, харажатлар ҳисобини такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсиялар берилган.*

***Аннотация:** В статье изучено порядок ведения учета затрат формирования виноградников в фермерских хозяйствах, даны конкретные рекомендации предложений по совершенствованию учета затрат.*

***Annotation:** The article studies the procedure for keeping records of the costs of forming vineyards in farms, gives specific recommendations for proposals to improve the accounting of costs.*

***Калим сўзлар:** харажатлар, харажат объекти, харажат моддаси, капитал қўйилма, бухгалтерия счетлари, самарадорлик.*

***Ключевые слова:** затраты, объекты затрат, статьи затрат, капитальное вложение, бухгалтерские счета, эффективность.*

***Key words:** costs, cost objects, cost items, capital investment, accounting accounts, efficiency.*

Республикамиз аҳолисининг тобора ўсиб бораётган озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш, ички бозорни сифатли мева ва узум маҳсулотлари билан тўлдириш, шунингдек мева ва узум маҳсулотларини янги ҳолида ва қайта ишланган ҳолда чет мамлакатларга экспорт қилиш нуқтаи-назаридан мева ва узумчиликни янада ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Мева-узумчилик тармоғи аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, саноат корхоналарининг хом-ашё ресурсларига бўлган талабини узлуксиз қондириш билан биргаликда чет мамлакатларга экспорт қилиниши натижасида катта миқдорда валюта тушуми манбаи ҳамдир.

Кейинги йилларда соҳа имкониятларини ҳисобга олинган ҳолда Республикамиз Президенти ва ҳукуратимиз томонидан уни ривожлантириш бўйича бир қатор қарорлар қабул қилинди. Бу борада айниқса Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 декабрдаги “Мева-сабзавотчилик ва узумчилик тармоғини янада ривожлантириш, соҳада қўшилган қиймат занжирини яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори муҳим аҳамиятга эгадир. Қарорда соҳани ривожлантириш мақсадида 2020 йилда 31 та, 2021 йилда 100 та қишлоқ хўжалик бирлашмалари ташкил этилиши, мева-сабзавот ва узум маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш ва экспорт қилишда кластер ва кооперация тизимини ривожлантиришнинг янги механизмларини жорий этиш белгиланди. Мева-сабзавот ва узум маҳсулотларининг экспорт географиясини кенгайтириш, экспортдаги тариф ва нотариф барьерларни камайтириш, маҳсулот турлари бўйича ноанъанавий бозорлар, хусусан, Хитой, Корея, Ҳиндистон, Европа Иттифоқи давлатларига экспортни кўпайтириш вазифаси қўйилди. Мева-узум маҳсулотлари етиштириш ҳажминини кўпайтириш мақсадида Республикамизнинг мева-сабзавотчиликка ихтисослашган 55 та туманидаги мавжуд боғ ва токзорларни тўлиқ хатловдан ўтказиш, самарасиз боғ ва токзорларни янгилаш юзасидан манзилли рўйхатларни шакллантириш, 2020 йил давомида яроқсиз боғ ва токзорларни, 2021-2025 йилларда эса кам ҳосилли, эскирган ва самарасиз боғ ва токзорларни янгилаш вазифалари қўйилди.

Мазкур қарорнинг ижроси бўйича катта майдонларда кам ҳосилли, яроқсиз ва самарасиз боғ ва токзорларни янгилаш аалга оширилади. Табиийки бунда янгидан яратилаётган боғ ва токзорларга амалга оширилаётган капитал сарфларни ҳисобга олиш, улар ҳисобини юритиш масалаларининг тармоқ миқёсида аҳамияти янада ошади.

Янги токзорларни барпо этиш харажатлари капитал қўйилмалар таркибига киритилади ҳамда улар ҳисобини ташкил этиш бошқа капитал қўйилмалар, асосий воситаларни сотиб олиш, асосий подани тўлдириш, ерларни ободонлаштириш ва бошқалар ҳисобига нисбатан ўзига хос

хусусиятларга эга. Барпо этилаётган узумзорлар ерларининг жойлашган ўрни ва табиий-иқлим шароитлари, узум кўчатларини экиш ва вегетация давридаги технологик жараёнлар, материал сарфларининг турлари, экилган узум навларининг тўлиқ ҳосилга кириш даври шулар жумласидандир.

Токзорларни барпо этиш жараёнида амалга оширилган капитал кўйилмалар бухгалтерия ҳисоби счётлар режасидаги 0890 “Бошқа капитал кўйилмалар” счётида алоҳида аналитик счётда куйидаги харажат моддалари бўйича ҳисобга олиб борилади:

1. Меҳнат ҳақи ажратмалар билан бирга
2. Кўчат материаллари
3. Ўғитлар
4. Асосий воситаларнинг эскириши
5. Иш ва хизматлар
6. Суғурта тўловлари
7. Бошқа харажатлар

“Меҳнат ҳақи ажратмалар билан бирга” харажат моддасида токзорларни барпо этиш давомида ишлаган ишчиларга ҳисобланган асосий ва қўшимча меҳнат ҳақи тўловлари ҳамда ҳисобланган меҳнат ҳақига нисбатан ижтимоий мақсадлар учун ажратмалар ҳисобга олиб бирилади.

“Кўчат материаллари” харажат моддасида токзорларни барпо этиш учун экилган ток кўчатлари харажатлари ҳисобга олиб борилади.

“Ўғитлар” харажат моддасида янги экилган ток кўчатларини парваришlash даврида минерал ва органик ўғитлар сарфи ҳисобга олиб бирилади.

“Асосий воситалар эскириши” харажат моддасида бевосита токзорларни барпо этиш жараёнида фойдаланилган асосий воситаларга ҳисобланган эскириш суммалари ҳисобга олиб бирилади.

“Иш ва хизматлар” харажат моддасида токзорларни барпо этиш технологик жараёнида ёрдамчи ишлаб чиқаришлар кўрсатган хизматлари ва бошқа ташкилотлар томонидан бажарилган иш ва хизматлар харажатлари ҳисобга олиб борилади.

“Суғурта тўловлари” харажат моддасида токзорларни барпо этишда парваришланаётган токларни турли табиий офатлардан суғурталаш харажатлари ҳисобга олиб борилади.

“Бошқа харажатлар” харажат моддасида юқорида келтирилган моддаларда ҳисобга олинмаган токзорларни барпо этиш жараёнидаги бошқа амалга оширилган харажатлар ҳисобга олиб борилади.

Мазкур харажатлар йил давомида 0890 “Бошқа капитал қўйилмалар” счётида тўпланиб борилади ва охирида 0180 “Кўп йиллик ўсимликлар” счётининг “Ёш дарахтлар” аналитик счётига қуйидаги бухгалтерия ёзуви билан ўтказилади:

Дебет 0180 “Кўп йиллик ўсимликлар” счётининг “Ёш дарахтлар” аналитик счёти.

Кредит 0890 “Бошқа капитал қўйилмалар” счётининг “Узумчилик плантациялари” аналитик счёти.

Токзорларни барпо этиш жараёнида фойдаланишга топширилмаган ёш токзорлардан ҳосил олинганда, олинган ҳосил қуйидаги бухгалтерия ёзуви билан даромадга олинади:

Дебет 2810 “Омбордаги тайёр маҳсулотлар” счёти

Кредит 0890 “Бошқа капитал қўйилмалар” счётининг “Ток плантациялари” аналитик счёти.

Токзорларни барпо этиш харажатлари ҳисобининг ушбу таклифлар асосида ташкил этилиши тармоқда харажатлар устидан қатъий назорат ўрнатилишига имкон беради, ресурслардан мақсадли фойдаланишига, токзорлар дастлабки баҳосининг иқтисодий асосланган ҳолда аниқланишига ва натижада узумчилик тармоғи самарадорлигининг ўсишига олиб келади.

**Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 3 августдаги ПҚ-260-сонли “2023-2026 йилларда узумчилик ва виночилик соҳасини янада ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида” қарори
2. Э.Ф.Гадоев ва бошқалар. Бухгалтер учун амалий қўлланма. Икки жилдлик. -Т.: “Норма” 2010 йил, 2-жилд, 424 бет.
3. К.Б.Уразов, С.В.Вахидов. Бошқа тармоқларда бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлари.-Т., «Адиб нашриёти» МЧЖ, 2011. 188-189б.
4. Интернет сайти: [vinsanoat.uz](http://vinsanoat.uz)
5. Интернет сайти: [kun.uz](http://kun.uz)